

5-27-2019

POLICY-SOCIAL REVIEW OF THE PARTICIPATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE INTERNATIONAL MIGRATION PROCESSES

Muydinov Dilshod
d.muydinov@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [Political Science Commons](#)

Recommended Citation

Dilshod, Muydinov (2019) "POLICY-SOCIAL REVIEW OF THE PARTICIPATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE INTERNATIONAL MIGRATION PROCESSES," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 8.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/8

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ИШТИРОКИНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ ЖИХАТЛАРИ

МУЙДИНОВ ДИЛШОД

Мустақил тадқиқотчи, ЎзМУ

Аннотация. Мақолада глобаллашув шароитида миграция жараёнларининг умумжаҳон миқёсда умумбашарият тенденциясига айланиб, миграция йўналишларининг ортиб бораётганлиги, ривожланаётган давлатлар ҳамда ривожланган давлатларга бунинг бир хил таъсир кўрсатаётганлиги, миграция жараёнларининг келиб чиқиш сабаблари, тарихий ва замонавий босқичлари, миграциянинг глобаллашув даврида янада ортиши, ижобий ва салбий кўринишлари тўғрисида сўз юритилади. Ишнинг назарий асоси сифатида миграция соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг тадқиқотлари танланди. Услубий воситалар сифатида умумий илмий тадқиқот методологияси таҳлил ва синтез қўлланилган. Мақолада миграция жараёнларининг келиб чиқиш сабаблари, тарихий ва замонавий босқичлари, миграциянинг глобаллашув даврида янада ортиши, миграция жараёнлари билан бирга турли ижобий ва салбий ўзгаришлар марказий ўринни эгаллайди. Миграция жараёнларининг жаҳон миқёсидаги мамлакатимизда глобал миқёсда миграция жараёнларидаги ўзгаришлар ва ривожланишларни, миллий ва минтақавий даражадаги тенденцияларни ўрганиб бориш лозимлиги, Халқаро миграция ташкилоти ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик ёритилган. Бунда ташқи миграция имкониятларини фуқароларимиз учун кенгайтириш борасидаги ижобий ўзгаришлар, жумладан, дунёнинг ривожланган давлатлари Япония, Германия, Малайзия, Швецария, Польша каби давлатлар билан бу борада имзоланаётган келишувлар мисол сифатида келтирилган. Шунингдек, бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган мигрантлар учун Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида ташкил этилаётган мослаштириш марказлари тўғрисида сўз юритилган. Шу билан биргаликда, миграциянинг сонини камайтириш миграция тури ва географик дифференцияциясини кенгайтириш ва ижобий миграцияни кўпайтириш, инсон капиталига алоҳида эътибор қаратиш, яъни ижобий миграцияни ривожлантиришнинг ягона йўли таълим миграциясидир. Таълимга оид тушунчалар чет элда таълим олиш, касбий малакани ошириш, миллий таълим тизими сифатини ошириш, хорижий тилга нисбатан қизиқишини кучайтириш, таълимни ҳар томонлама ривожлантириш ва таълим миграциясини қўллаб-қувватлашга доир таклифлар ҳамда тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўз ва иборалар: миграция, миграция жараёнлари, мигрантлар, Ўзбекистон, ижобий миграция, Халқаро миграция ташкилоти.

Аннотация. В статье анализируется влияние миграционных процессов на социальные, политические, культурные и экономические факторы страны. Были обсуждены компоненты миграционной политики страны. Теоретической основой исследования явилось изучение отечественных и зарубежных ученых в области миграционных процессов. В качестве методологии для анализа и синтеза использовалась общая методология научных исследований. Статья посвящена истокам, исторических и современных этапов миграционных процессов, росту миграции в эпоху глобализации, а также миграционным процессам с различными позитивными и негативными изменениями. Миграционная политика Узбекистана, миграционные процессы, позитивная миграция, Узбекистан как неотъемлемая часть глобальных социально-экономических и политических процессов, глобализация прав мигрантов, условия, созданные для них, их трудности и глобальные вызовы – являются активным участником миграции. В нашей стране подчеркивается необходимость глобальных миграционных процессов и тенденций, национальных и региональных тенденций и сотрудничества между Международной организацией по миграции и правительством Узбекистана. Следующие факторы можно привести в пример как позитивные события в расширении возможностей внешней миграции для наших граждан: соглашения, подписанные с Японией, Гер-



манией, Малайзией, Швейцарией, Польшей и другими развитыми странами мира. Также, основное внимание уделяется адаптационным центрам, созданным сегодня в Ташкентской и Сурхандарьинской областях для мигрантов. В то же время сокращение процента миграций, расширение миграции и географического разнообразия, увеличение положительной миграции, уделение особого внимания человеческому капиталу, то есть единственный способ содействовать положительной миграции – это миграционный поток. Концепции образования были разработаны для предоставления советов и рекомендаций о том, как улучшить образование за рубежом, улучшить профессиональные навыки, улучшить качество национальной системы образования, содействовать изучению иностранных языков, поддерживать всеобъемлющее образование и поддерживать миграцию в сфере образования.

Опорные слова и выражения: миграция, миграционные процессы, мигранты, Узбекистан, позитивная миграция, Международная организация по миграции.

Abstract. The article analyzes the impact of migration on the social, political, cultural and economic factors of the country. The components of the country's migration policy were discussed. The theoretical basis of the study was the study of domestic and foreign scientists in the field of migration processes. As a methodology for analysis and synthesis, a common research methodology was used. The article is devoted to the origins of historical and modern stages of migration processes, the growth of migration in the era of globalization, as well as migration processes with various positive and negative changes. The migration policy of Uzbekistan, migration processes, positive migration, Uzbekistan as an integral part of global socio-economic and political processes, the globalization of the rights of migrants, the conditions created for them, their difficulties and global challenges are an active participant in migration. Our country stresses the need for global migration processes and trends, national and regional trends and cooperation between the International Organization for Migration and the government of Uzbekistan. The following factors can be cited as examples of positive developments in the expansion of external migration opportunities for our citizens: agreements signed with Japan, Germany, Malaysia, Switzerland, Poland and other developed countries of the world. Also, the focus is on adaptation centers established today in Tashkent and Surkhandarya regions for migrants. At the same time, reducing the percentage of migrations, increasing migration and geographical diversity, increasing positive migration, focusing on human capital, that is, the only way to promote positive migration is migration flow. Education concepts have been developed to provide advice and recommendations on how to improve education abroad, improve professional skills and the quality of the national education system, promote learning foreign languages, support comprehensive education and migration in education.

Keywords and expressions: migration, migration processes, migrants, Uzbekistan, positive migration, International Organization for Migration.

Кириш. Мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг иштирокчиси сифатида халқаро миграция жараёнларининг ҳам фаол субъектига айлангандир. Ўзбекистон мигрант етказиб берувчи (донор) давлатлар қаторида турган бўлса-да, халқаро миграция соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий ва дипломатик сиёсий ҳаракатларни амалга оширишга кейинги йилларда киришмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мамлакатимизни халқаро миграция жараёнларининг фаол иштирокчиси сифатида таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Усуллар. Услубий воситалар сифатида умумий илмий тадқиқот методологияси таҳлил ва синтез қўлланилган.

Натижалар ва мулоҳаза. “2018 йил 26 декабрда Халқаро миграция ташкилоти конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилди”¹. Мамлакатимиздан бораётган мигрантларнинг географик жиҳатдан асосий қўним топувчи давлати кўп йиллардан бери Россия Федерацияси бўлса-да, Россия Федерацияси билан 2017 йил 5 апрелга келиб, бу борада иккита келишувга эришилди: “Биринчиси, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча иш билан таъминлашга ташкилий танлов асоси-

¹ Xalq so‘zi, 27 dekabr 2018 yil.



да жалб қилиш тўғрисида”ги келишув бўлиб, бу миграцияни қонунийлаштиришни назарда тутлади. Иккинчиси, “Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзaro ташкил этиш тўғрисида”ги келишув бўлиб, бу миграцияни бошқариш ва назорат қилиш йўналишидаги ҳамкорликни билдиради”¹.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, миграция соҳасидаги ушбу келишувга кўра, иш билан банд бўлган Ўзбекистон фуқаролари Россия Федерациясининг меҳнат қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Хусусан, “Ўзбекистондан келган мигрантлар қўйидаги афзалликларга эга бўлиши мумкин”²:

– Россия Федерацияси фуқароларига нисбатан айни лавозимга, мутахассисликка эга ва бир хил ишни бажарадиган ўзбекистонлик ишчиларнинг иш ҳаққи кам бўлмаслиги керак, иш шароити ва меҳнат муҳофазаси бир хил таъминланиши шарт;

– Россия Федерацияси қонунчилигида белгилаб қўйилган норма ва қоидалар бўйича иш берувчи меҳнат шартномаси давомида ишчи-мигрантларни турар жой билан таъминлаш;

– Меҳнат шартномаси шартлари ва Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ ишчи-мигрантлар таътилга чиқиш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартнома имзоланмасидан олдин Россия Федерацияси билан 1998 йил 6 мартда МДХ ҳудудида ишчи мигрантларни бошқариш тўғрисидаги келишув ва ушбу келишув асосида 2007 йил 4 июлда Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати ва Россия Федерацияси ҳуқумати ўртасида ишчи мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ноқонуний миграцияга қарши кураш тўғрисидаги битим ҳам имзоланган эди.

¹ Trudovaya migratsiya iz Uzbekistana v Rossiyu. 2017 yil 28 iyun // <http://caa-network.org/archives/9553>.

² Maxmudov S. Razvitiye vneshney trudovoy migratsii v sovremennom mire i ee znachenie dlya Respubliki Uzbekistan. 25.05.2017 // <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/49068-razviti-vnshny-trudovoy-migratsii-v-sovrmmnom-mir-i-znachni-dlya-rspubliki-uzbkistan>

Лекин бу амалда ўзбекистонлик мигрантларнинг ҳуқуқларини деярли ҳимояламади, балки мигрантлар учун етарли шарт-шароит ҳам яратиб берилмади. Натижада, ўзбекистонлик мигрантлар жуда кўплаб турли қийинчиликларга дуч келди, оғир ишларда арзимаган ҳақ олиш эвазига ишлашга мажбур бўлди, кўп ҳолатларда алданиб, қуллик ва одам савдоси қурбонига айланди, турли экстремистик ва диний фундаменталистик ташкилотларга қўшилиб кетди. Энг ачинарлиси, МДХ доирасидаги “энг арзон ишчилар” мақомига айланди. Буларни ҳаммасини “ноқонуний миграция” деб номладик. Ваҳоланки, ушбу даврда мигрантлар сони 2 миллион атрофида бўлса-да, мигрантларнинг мурожаатларини қабул қиладиган консулхоналар Москвадан бошқа жойда йўқ эди. Фикримизча, агар 1998 ёки 2000 йиллардаёқ ташкилий танлов асосида тегишли ташкилотлар билан Россияга мигрант юборилганда эди, талофат ва юқоридаги муаммолар ҳам нисбатан кам бўлар эди.

Таъкидлаш жоизки, Россия билан 2017 йил 5 апрелдаги юқорида айтиб ўтилган иккита келишувни ҳам кўпчилик экспертлар амалиётга жорий қилиш қийин эканлигини таъкидлашмоқда. Жумладан, россиялик тадқиқотчи Сергей Абашиннинг фикрича, “биринчидан, мигрантлар ташкилий танловдан кўра ўз танишлари орқали иш топишни афзал кўради ёки шунга ўрганишган. Иккинчидан, Россияни ўзида ноқонуний фаолият юритадиган фирма ва корхоналар кўп”³. Бунга қўшимча қилиб шунни айтиш мумкин: учинчидан, Россияга ташкилий танлов асосида ишга юборишда рус тилидан имтиҳон бўлиб ўтади. Лекин Россияга кетувчи мигрантлар орасида рус тилини билувчилар жуда камчиликни ташкил қилади. Тўртинчидан, Россияга визасиз режим асосида кириб-чиқиш мавжудлиги мигрантларни

³ Sergey Abashin. Migranti edut v Rossiyu ne za tem, za chem exali ranshe // <http://gorod-812.ru/migrantyi-edut-v-rossiyu-ne-za-tem-za-chem-ehali-ranshe/> 24.11.2018.



назорат қилиш ва бошқариш масаласини қийинлаштиради.

Шундай бўлса-да, келишув асосида Ўзбекистон ташқи миграция масалалари бўйича агентлигининг “Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Ростов, Новосибирскда ўз ваколатхоналарини очиши ва Россияга ишга кетишни хоҳловчиларни ўқитиш ва мослаштириш бўйича Фарғона ва Самарқандда марказларнинг очилиши”¹ мигрантлар ишини қисман бўлса-да, енгиллаштириши мумкин. Биргина мисол келтирадиган бўлсак, ушбу келишув имзоланмагунча Ташқи миграция агентлиги томонидан Россияга бирорта ҳам ишчи ташкилий танлов асосида юборилмаган. “Келишув имзоланганидан кейин 2017 йилнинг 6 ойи давомида 52 нафар ишчи Россияга юборилган”².

Ўзбекистон биринчи бўлиб ташкилий танлов асосида ишчи юбориш бўйича келишувни Корея Республикаси билан амалга оширган эди. 2007 йил Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида имзоланган “Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида”ги Меморандумга асосан ҳар йили белгиланган квота асосида ишчилар юборилиши йўлга қўйилди. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳам асосан Жанубий Корея Республикаси билан иш олиб борди. Маълумотларга қараганда, “2017 йилгача 46806 нафар ишчи юборилган”³. Лекин, агентликнинг Жанубий Корея Республикасига ишчи юборишда шаффоф эмаслиги, коррупциянинг бунга аралашганлиги натижасида Кореяга хорижий тилни билмаган фуқаролар ҳам кета бошлади. Шунингдек, кетганлар орасида ҳам баъзилари шартнома

бўйича иш жойида қолмади ёки шартнома муддати тугаганидан сўнг ватанига қайтмади. Бу Кореяда ўзбекистонлик мигрантларга бўлган ишончсизликни оширди ва йилига “10 мингтагача бўлган квота 3 мингга тушиб кетди. Сўнгги пайтларда, яъни 2018 йилдан ушбу кўрсаткич 4 мингга оширилди”⁴.

2017 йилга келиб, Ўзбекистон ҳукуматининг миграция борасидаги сиёсатида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Айниқса, ташқи миграцияда Россияга бўлган қарамликдан қутилиш мақсадида Япония, Польша, Туркия давлатлари билан миграция борасида (ташкилий танлов асосида юбориш) келишувларга эришганлиги ижобий аҳамиятга эга бўлмоқда. Маълумотларга кўра, “Японияга 17 нафар ишчи стажировка учун юборилган, Польшага жами 2500 нафар ишчи юбориш режалаштирилган. Шунингдек, Агентлик томонидан 2017 йил 6 ойида хусусий меҳнат шартномаси асосида Туркияда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида 3 нафар, Хитой ва Малайзия давлатларида ишлаш учун 2 нафардан 4 нафар, ҳамда Озарбайжонда ишлаш учун 6 нафар, Германия, Швецария, Қозоғистон, Францияда 1 нафардан 4 нафар ва Бирлашган Араб Амирликларида ишлаш учун 4 нафар жами – 21 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига рухсатномалар берилди”⁵.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон мигрантларининг катта қисми ҳали ҳам Россия ҳиссасига тўғри келмоқда. Россия Федерал миграция бюросининг маълумотларига кўра, “2016 йил январь ойи рақамларига кўра, федерацияда ишлаётган Ўзбекистон фуқаролари сони 1 млн. 888 минг 547 кишини ташкил қилган ва бу рақам ўтган йилларга (2015 йилга) нисбатан 15 фоизга камдир. Шунингдек, Россия Федерацияси Марказий банкининг маълумотларига кўра,

¹ Migratsionnaya politika Uzbekistana //https://uz.sputniknews.ru/infographics/20180307/7665215/migracionn-aya-politika-uzbekistana.html.

² Tashqi migratsiya agentligining saytidagi hisoboti. 2018 yil 17 dekabr ma'lumot // http://www.migration.uz/uz/analitika/#.

³ O'sha manbaa.

⁴ Migratsionnaya politika Uzbekistana // https://uz.sputniknews.ru/infographics/20180307/7665215/migracion-naya-politika-uzbekistana.html.

⁵ Tashqi migratsiya agentligining saytidagi hisoboti. 2018 yil 17 dekabr ma'lumot // http://www.migration.uz/uz/analitika/#.



мигрантларнинг Россиядан юборган пуллари 3 млрд. 59 миллионга тушган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилда 5 млрд. 653 млн. долларни ташкил этган”¹.

Умуман, кейинги йилларда мамлакатдан хорижга кетиб ишлаганлар оиласида ва умуман турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар кутила бошлади. Бу ҳам маълум даражада оммавий миграциянинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз учун аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш муҳим масалалардан биридир. Бу борада охириги йилларда ташқи миграция жараёнлари билан боғлиқ шароитларни такомиллаштириш учун муҳим қонунлар қабул қилинди. Хусусан, “Рекрутинг фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва бу асосда Вазирлар Маҳкамасининг “2018 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 725-сон қарори қабул қилинди”². Бунга мувофиқ, фуқароларни мамлакат ичида ва хорижда иш билан таъминлайдиган хусусий рекрутинг агентликлари фаолиятига рухсат берилди. Бу ҳам ватандошларимизнинг хорижга кетиб ишларидида ишончли ва хавфсиз иш билан таъминлаш ҳамда ишчиларимизнинг хорижга чиқишида географик деференциялашуви, яъни бир ёки икки давлатларга қарамликдан қутилишнинг имконини беради. Ҳозирдан бу борада муҳим ишлар бошланиб кетди ва баъзи вилоятларда рекрутинг агентликлари танлов асосида Германия, Франция, Швеция, Италия ва бошқа бир нечта ривожланган давлатларга ишга юборишни бошлаб юборди.

¹ Uzbekistan: Trudovie migranti ishut alternativni Rossii. 13/05/2016//<https://inosmi.ru/economic/20160513/236515905.html>.

² Batafsil ma'lumot uchun: Mehnat migrantlarini xorijga jo'natish uchun litsenziya qanday olinadi https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/mehnat_migrantlarini_horijga_junatish_uchun_licenziya_qanday_olinadi.

Миграция борасида мамлакатимизда қабул қилинган муҳим қонунлардан яна бири “Ташқи миграция тўғрисида”ги қонун бўлиб, ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан қийин аҳволга тушиб қолган мигрантлар учун ёрдам фонди ташкил этилди”³. Ушбу фонд турли сабабларга кўра, Ватанга қайтиб кела олмаётган юзлаб юртдошларимизнинг келишларига моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Ушбу қонунлар ва саъй-ҳаракатлар ижобий натижалар берса-да, миграция муаммоси ҳал бўлишини англамайди. Аввало, шуни айтиб ўтишимиз лозимки, глобализация шароитида унинг олдини олиш имконияти бўлмаса-да, миграцияга боғланиб қолиш ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жуда кўплаб бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Ижтимоий жиҳатдан айтадиган бўлсак, баъзи мигрантлар турли муаммоларни ўзлари билан орттириб келмоқда. Масалан, Москва прокурори Сергей Куденев Россияда жиноятчилик бўйича “2 минг 522 та жиноят содир этганлиги билан Ўзбекистон фуқаролари етакчилик қилаётганлигини таъкидлаб ўтган эди”⁴. Бундан ташқари, АҚШда 2017 йил 31 октябрь куни террорчилик жинояти содир этган Сайфулла Соипов, Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида 2017 йил 7 апрел куни шундай жиноят содир этган Раҳмат Оқилов, 2017 йилнинг январидида Истамбулда ва бошқа жойлардаги террорчилик ташкилотларига кўшилиб кетган фуқаролар миграциянинг ҳам маҳсулидир. Булар ҳам давлатимизнинг, ҳам миллатимизнинг номига “қатта харфлар билан” доғ туширди. Шу боис, бундай ҳолатлар яна содир бўлмаслиги учун тизимли ва жиддий ишлар олиб борилиши керак. Бундан ташқари, қанча мигрантлар турли касалликларга чалиниб келгани, қанча мигрантлар оила-

³ Manbaa: Migratsionnaya politika Uzbekistana // <https://uz.sputniknews.ru/infographics/20180307/7665215/migracionnaya-politika-uzbekistana.html>.

⁴ Manbaa: Uzbekistan: Trudove migrant ishut alternativni Rossii. 13/05/2016// <https://inosmi.ru/economic/20160513/236515905.html>.



сида ажралишлар бўлгани ва бошқа шу каби масалаларда статистик маълумотлар деярли мавжуд эмас. Буни маҳалла, Маҳалла фуқаролар йиғини доирасида биргина мигрантлар билан ишлаш бўйича масъул шахсни ишга қўйиш орқали осонгина ҳал қилиш мумкин, аслида. Бу масъул шахс маҳаллада мигрантлар сони, қаерда ва қайси ишда, ким бўлиб ишлаши, қачондан бери чет элда, унинг оиласи ва бу мигрантни ҳолати ҳақида электронлаштирилган манбага қайд қилиб бориши мумкин. Бу тизим шаҳарларда кўп яхши самара бермаса-да, вилоятларда ва қишлоқларда жуда аниқроқ маълумотлар беради. Зеро, асосий мигрантлар вилоятликлар ва қишлоқлардан чиқиб келаётганлигини инобатга олсак, анча муҳим маълумотларни тўплаш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, миграциянинг сиёсий жиҳатлари ҳам бевосита ижтимоий-иқтисодий омилларга чамбарчас ҳолатда юзага чиқиб келмоқда. Айниқса, фуқароларнинг миграцияси бир давлатга боғланиб қолиши ёки бир давлатда кўпчиликни ташкил қилиши туфайли ўша давлатнинг сиёсий босими остида қолаётганлигини бугунги сиёсий воқеликлар ва жараёнлар кўрсатиб турибди. Масалан, АҚШ Марказий Америка давлатларидан келаётган мигрант “карвонини” Мексикада ушлаб қолиш учун босим ўтказган эди ва бунга Мексика давлати рози бўлган эди. Сабаби, мексикаликларнинг аксарияти АҚШда меҳнат муҳожирлари ҳисобланишади. Акс ҳолда, АҚШ Президенти Д. Трамп мексикаликларни мамлакатдан чиқариб юбориши билан таҳдид қилган эди. Бунга ўхшаш мисоллар талайгина.

Албатта, миграцияни олдини олиш қийин, лекин уни камайтириш мумкин. Камайтиришнинг ягона йўли фақат янги иш ўринлари яратиш эмас. Шу боис, янги иш ўринлари яратиш билан бирга, кучли тарғибот ишларини ҳам йўлга қўйиш лозим. Негаки, бугунги кунга келиб, бир инсон ўз даромадини кўпайтириш учун мигрантга айланмоқда. Кўп ўзбекистонликлар ҳам ишсиз-

ликдан эмас, балки тезроқ автомашина сотиб олиш ёки уй қуриш учун мигрантга айланмоқда. Албатта, фуқаролар даромадининг ошишига ҳеч ким қарши эмас. Лекин даромадни ошириш учун у ҳар нарсага ва ҳатто фаррошлик қилишгача рози бўлиб кетмаслиги лозим. Чунки, дунёда ривожланган давлатлардаги мавжуд миграция жараёнлари шахснинг янада олий ва юқори мартабали иш ҳамда лавозимларга эришиш учун мигрантга айлантирмоқда. Бундай миграция ижобий миграциядир. Шу боис, айниқса саноат соҳасида янги иш ўринларини ошириб бориш ва турли ижтимоий ёрдам пакетларини ривожлантириш керак.

Ижобий миграцияни ривожлантиришнинг ягона йўли таълим миграциясидир. Ҳам ташқарида, ҳам мамлакат ичида сифатли таълим олган кадр ҳеч қачон қора ишларда меҳнат қилишга рози бўлмайди. Шу боис, таълимни ҳар томонлама ривожлантириш ва таълим миграциясини ҳам қўллаб қувватлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши даркор. Зеро, Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарур. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир”¹. Таълим йўналиши орқали қанча талаба чет элга кетган ва қанча талаба чет давлатларда ишлаб келмоқда? Бунинг ҳам статистикаси юритилса, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Умуман қайси соҳаларда мигрантларнинг ишлаётганлигини билиш, аслида, шу соҳада мамлакатда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни билдиради.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.//Xalq so'zi. 2018 yil 29 dekabr.



Ижобий миграцияни ривожлантириш учун мамлакатимизда очилаётган хорижий давлатлар университетларининг филиаллари бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади. Улар нафақат мамлакат учун яхши кадрларни етиштириб чиқаради, балки четга кетиб иш-лашлари ва малакаларини оширишларида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, давлат тарафидан чет элларда ўқиш учун грантлар ажратиш ва хорижликлар билан грантлар борасида турли ҳамкорликларни ривожлантириш ҳам асосий масаладир. Бу борада 2019 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4091-сон Қарорига кўра ва Жамғарма маблағлари (Жамғарма стипендиялари) ҳисобидан хорижда 5 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланиш бу борадаги ишларнинг ижобий ривожланишида улкан аҳамиятга эга бўлди.

Миграция бўйича муҳим ҳаракатлардан бири бу халқаро ҳамкорликдир. Албатта, бугунги кунда Ўзбекистон Жанубий Корея, Россия, Туркия, Япония ва Польша билан мигрант жўнатиш бўйича икки томонлама ҳамкорликларни йўлга қўйган. Шу билан бирга, БАА ва Қозоғистон билан ҳам бу борада ҳамкорликни ривожлантириш керак. Негаки, минглаб ватандошларимиз ушбу давлатларда меҳнат қилмоқда ва уларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш ҳукуматимизнинг вазифасидир.

Шу билан биргаликда, миграция бўйича халқаро ҳамкорликнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил ноябрь ойида Халқаро миграция ташкилотига (ХМТ) аъзо бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, Ҳиндистон, Хитой, Филиппин, Туркия, Украина каби 173 та давлат Халқаро миграция ташкилоти аъзоси ҳисобланади, 8 та мамлакат эса кузатувчи

мақомига эга. Ўзбекистоннинг Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлиши маросимида ташкилотнинг янги Бош директори Антонио Виторино “Мамлакатингиз жаҳоннинг энг қадимий ва энг гуркираган савдо йўллари ўтган гўшаларидан биридир, шу сабаб ҳудудингиздан мусофирлар узоқ ўтмишдан бери ўтиб келишган. Ташкилотнинг Бош директори сифатида бу менинг илк бор аъзо давлатни қутлашимдир ва бошқа аъзоларни ҳам қутлаш имконияти бўлишига умид қиламан”,¹ деган фикрларни билдириб ўтди.

Халқаро миграция ташкилоти Конституциясида унинг фаолиятининг асосий тамойиллари, тузилиши ва ҳуқуқий соҳалари белгилаб берилган бўлиб, унда мигрантларнинг ташкилий ҳаракатланиши, миграцион хизматлар кўрсатишни таъминлаш (йиғим, танлов, миграцияга тайёрлаш, тил ўргатиш, мигрантларга ахборот бериш, тиббий кўрикдан ўтказиш ва бошқалар), мигрантлар ҳуқуқини самарали таъминлаш, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда кўмаклашишнинг асосий мақсад-вазифалари кўрсатилган. “Миграция нуқтаи назаридан, минтақа дунёдаги энг динамик ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ҳудуд ҳисобланади. Ўзбекистонда кўрганларим ва у ерда ўрганганларимга, асосан, шуни тўлиқ ишонч билан таъкидлай оламанки, миграцияни бошқариш борасидаги чакириқларга жавоб бериш ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича Халқаро миграция ташкилоти ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик сермахсул бўлади. Бу эса умуммиллий, минтақавий ва глобал микёсларда чексиз фойда келтиради”, – дейди Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осие форумида иштирок этиб қайтган Халқаро миграция ташкилотининг минтақавий директори Аргентина Сабадош.

¹ IOM Director General Welcomes Uzbekistan as 173rd Member State. 2018 yil 27 noyabr // <https://www.iom.int/news/iom-director-general-welcomes-uzbekistan-173rd-member-state>.



Халқаро миграция ташкилоти Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари учун таянч бўлиб хизмат қилишини билдирмоқда. Бу мақсадларда ташкилот Ўзбекистондан Европа давлатларига мигрантларнинг кетишидан олдин камида “2 та мослаштириш марказларини ташкил этишини таъкидламоқда. Уларнинг режаси бўйича “Ишга марҳамат” номли марказлар Тошкент ва Сурхондарёда очилади. Сурхондарёдаги марказ Афғонистондан Европага кетувчи меҳнат мигрантларини ҳам тўлов асосида тайёрлайдиган бўлмоқда”. Умуман олганда, мамлакатимиз яқин вақтлар ичида ҳам транзит, ҳам мигрант қабул қилувчи давлатга айланиши мумкин. Шу боис, бу борада миллий ва минтақавий лойиҳалар, камида 5–10 йилга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилиб, у асосида режаларни шакллантириб бориши керак.

Республикамизнинг Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлиши айни муддао бўлди. Мазкур халқаро ҳужжатнинг ратификация қилиниши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, ташқи меҳнат миграциясининг самарали тизимини йўлга қўйишга хизмат қилади ҳамда хориждаги ўз фуқароларининг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ташкилот доирасида ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми доирасида Халқаро миграция ташкилоти ташаббуси билан, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси матнига киритилди. Унда, жумладан, шундай дейилади: “Давлатлар барча мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини уларнинг миграциявий ҳолатидан қатъи назар, барқарор тараққиёт мақсадларига мувофиқ равишда ҳурмат қилинишини, ҳимоя қилиниши ва амалга оширилишини таъминлашга интилиши керак”. “Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан бўлган ва одам савдосидан жабрланган шахслар ҳамда ёрдамга муҳтож мигрантларга ёрдам

бериш асносида 2003 йилда бошланган. 2015 йилдан бери ҳамкорлигимиз жадал суръатларда ривожланиб борди, натижада шу кунга қадар иккита Қўшма иш режалари бажарилди ва бу йил 2018–2019 йилларга мўлжалланган Хамкорлик йўл харитаси Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланди”, – деб таъкидлайди Халқаро миграция ташкилотининг Марказий Осиё бўйича Субминтақавий координатори, Миссия раҳбари Деян Кесерович.

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир давлатнинг асосий вазифаси ўз фуқароларини ички ва ташқи таҳдидлардан асраш, хориждаги фуқароларининг манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан миграция муаммосини оқилона ва рационал ҳал этиш борасида замонавий сиёсат амалга оширилмоқда. Бу борада бир нечта давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлик ва, айниқса, халқаро даражада ҳамкорликни ривожлантиришга кенг қамровли равишда киришди. Тегишли қонунлар мажмуаси яратилмоқда.

Албатта, миграция борасида ҳали кўп ишлар амалга оширилиши керак. Энг асосийси, ушбу муаммоларни ҳал қилиш ҳукуматнинг кундалик фаолиятдан ўрин олди. Шу билан бир қаторда, миграциянинг сонини камайтириш миграция тури ва географик дифференцияциясини кенгайтириш ва ижобий миграция турини ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина вазифалар долзарб бўлиб турибди. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг хориждаги бирорта фуқароси эътибордан четда қолмаслиги керак. Ҳуқуқлари ва манфаатлари давлат томонидан қатъий қафолатланиб борилиши керак.

Ушбу жабҳада мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик хизматлар ва барча тегишли вазирлик ва идораларнинг юксак фаоллиги мақсадга мувофиқ бўлади.